МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

O'ZBEKISTON XAYRIYA JAMOAT FONDI MAHALLA

ЧОРШАНБА

2014 йил 24 сентябрь,
№80 (1047)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

## Фуқаролар йиғинининг сайлов жараёнидаги иштироки

### *ва ваколатлари ҳуқуқий кафолатланган*

**Мамлакатимиз муҳим сиёсий жараён арафасида: жорий йилнинг 21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади.**

**Холбиби САФАРОВА**
**«Mahalla»**

Сайловлар кучли фуқаролик жамиятига асосланган демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси бўлиб, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокининг асосий шаклидир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда давлатнинг сиёсий ва ҳуқуқий тизимлари изчил, босқичма-босқич модернизация қилиниши натижасида ҳуқуқий давлатчилигимиз асослари янада мустаҳкамланди. Бу жараёнда энг юқори демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилди. Хусусан, 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»-ги қонун сайловларни демократик, очиқ ва ошкора тарзда ўтказиш, уларда қонунийликни ҳар томонлама таъминлаш кафолати бўлди.

Қонунда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини шакллантиришнинг демократик тизими, унинг фаолиятига доир асосий принциплар конституциявий норма сифатида мустаҳкамлаб қўйилди. Бу ҳолат демократиянинг асосий ифодаси бўлган давлат ҳокимияти органлари сайловларини, шунингдек, референдумларни ташкил этадиган ва ўтказадиган давлат органи — Марказий сайлов комиссиясига нақадар катта аҳамият берилаётганини кўрсатади.

> [2]

ЎҚУВ-СЕМИНАР

## Ҳар жиҳатдан фойдали ва самарали

**Тошкент вилоятида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги асосий йўналишлар бўйича комиссиялар ишини ташкиллаштириш» мавзусида ўқув-семинарлар давом этмоқда.**

**Ашурали БОЙМУРОД**
**«Mahalla»**

Машғулотларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими бошқаруви ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлими ходимлари Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳақида ҳамда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»-ги қонунда белгиланган меъёрлар хусусида маърузалар ўқишмоқда.

— Семинарлардан кўзланган мақсад вилоятимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги асосий йўналишлар бўйича комиссиялар ишини тизимли йўлга қўйиш, фаолият самарадорлигига эришишдан иборатдир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Абдурашид Расулов. — Қувонарлиси, маҳалла фаоллари машғулотлар чоғида йиғин фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.

Айниқса, Қуйи Чирчиқ, Зангиота ва Қибрай туманларида ўтказилган семинарлар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

— Вилоятимизда бундай семинарлар ташкил этилаётгани амалий натижалар бермоқда, — дейди ФЖШМҚМИ бош мутахассиси Мастура Шокирова. — Бу, аввало, маҳалланинг аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришига кўмаклашади. Шунингдек, фуқаролар ижтимоий фаоллигини оширади.

Ўқувлар Ангрен шаҳри ва Оҳангарон туманида ҳам ўтказилди.

«ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН — СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИМИЗ»




Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.

## Барчамиз эпчил, чаққон ва кучлилармиз

**Тошкент шаҳри Яккасарой туманидаги 38-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» мусобақасининг республика босқичи якунланди.**

**Моҳичеҳра ЛАТИПОВА**
**«Mahalla»**

«Соғлом оила» шиори остида ўтказилган ўйинларнинг маҳаллалараро босқичига йиғинлар раислари, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ етакчилари, Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия аъзолари, жамоатчи мураббийлар жалб этилди. Ушбу босқич ўтган йили 7409 та йиғинда ўтказилган бўлса, жорий йилги ўйинлар 8327 та маҳаллани қамраб олди ва, ўз навбатида, иштирокчи оилалар сони 115514 нафардан 254648 нафарга ортди. Бу эса мусобақа кўламининг янада кенгайиб, оилалар ўртасида спортга қизиқиш ортгани, қатнашчилар сони ўтган йилларга нисбатан кўпайганидан далолат беради. Эътиборлиси, иштирокчилардан 14321 нафари кам таъминланган оила аъзоларини ташкил этди.

— Табиийки, ҳар бир интилиш, ҳаракат рағбатни тақозо этади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бош мутахассиси Абдумурод Азизов. — Шу боис «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» спорт ўйинларида фаоллик кўрсатган 24544 та оилага мусобақа ўйинларини ташкил этган фуқаролар йиғинлари томонидан совғалар ажратилди. Ушбу мақсад учун Фонднинг туман (шаҳар) бўлинмалари томонидан 19,9 млн. сўмдан ортиқ, ҳамкор ташкилотлар ва ҳомийлар ҳисобидан 176,6 млн. сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Ўйинларнинг туман босқичларида ғолиб бўлган 196 та оилага қимматбаҳо совғалар, диплом ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

> [4]

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД МАНЗИЛИ

## «Истиқбол» тажрибаси хорижликлар эътирофида




**Оила қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик барқарор бўлади. Ана шу ақидадан келиб чиқиб юртимизда оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда, айниқса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига катта масъулият юкланади.**

**Шарофиддин ЭШМАТОВ,**
**Тошкент вилояти Паркент туманидаги «Истиқбол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Йиғинимиз яқинда ўтказилган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг республика босқичида «Ҳудудда оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда самарали фаолият юритиб келаётган фуқаролар йиғини» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди ва бу муваффақият фаолиятимизни янада кучайтиришга туртки берди.

> [3]

МАҲАЛЛАМИЗ ЧЕМПИОНЛАРИ

## Юрт шаъни — юксак шараф, улкан масъулият

**Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида юнон-рум кураши бўйича бир неча марта чемпионлик шоҳсупасини забт этган 17 ёшли спорт устаси Илҳом Баҳромов истиқомат қилади.**

**Нилуфар ЮНУСОВА**
**«Mahalla»**

Унинг спортга қизиқишини кўрган отаси аввалига буни шунчаки болалик ҳаваси, деб ўйлаганди. Касби ҳайдовчи Исмоил ака ва ҳамшира Мунира опанинг икки нафар ўғли, бир қизи бор. Ўғиллари Илҳом ва Ислом болалигидан спортнинг юнон-рум кураши бўйича шуғулланиб келади. Уларнинг ҳар иккаласи ўз вазн тоифаларида Осиё чемпиони унвонига сазовор бўлишган. Ака-укалар мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари.

Илҳом — тумандаги 1-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда Самарқанд эркин ва юнон-рум курашига ихтисослаштирилган олимпия захиралари спорт мактаби тарбияланувчиси. Ундаги шижоат ва чапдастлик мураббийлар назаридан четда қолмади. Ўсмирин дастлаб Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Ўрол Зиёевдан, кейинчалик Самарқанд шаҳрида Ҳаким Накибовдан ушбу кураш сирларини ўрганди. Тинимсиз саъй-ҳаракат йигитчани жисмонан чиниқтирди, ғалабага ишонч ҳиссини кучайтириб, иродасини мустаҳкамлади.

> [4]

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ — ЭЪТИБОРДА

## Моддий ёрдам тадбиркорликка турткидир

**Пахтаобод туманидаги Маданият қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Олмазор» маҳалласидан Раъноxон Қўзичоқова «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмасига соғлиғини тиклаш учун моддий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Фуқаронинг оилавий шароити ва вояга етмаган фарзандлари борлиги инобатга олиниб аризаси қаноатлантирилди.**

**А. АБДУЛЛАЕВ**
**«Mahalla»**

Дарҳақиқат, юртимизда фуқароларнинг давлат органларига мурожаатига доир ҳуқуқий ва қонуний асослар яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни ҳар бир кишининг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялаши билан бирга, давлат органларига ёзган ариза, таклиф ва шикоятлари эътиборсиз қолмаслигини кафолатлайди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Пахтаобод тумани бўлинмаси томонидан мазкур йўналишда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

> [3]

ХИРМОНГА ҲИССА

## Режа муддатидан олдин бажарилди



**Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги «Ободон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Рўзи Мамараимов» фермер хўжалиги давлатга пахта топшириш режасини муддатидан аввал бажарди.**

**Мухбиримиз.**

Фермер Собир Рўзиев чигитнинг «Бешқаҳрамон» навини экиб адашмаган экан. Жорий йилда у 24,5 гектар майдондан 89 тоннадан зиёд пахта териб, туманда биринчилар қаторида шартномавий режани бажарди.

— Бу ютуқ нафақат фермер хўжалигимиз, шунингдек, маҳалламизники ҳамдир, — дейди фермер. — Кўп ва сифатли ҳосил етиштириш, улкан хирмон яратишда йиғин раиси Тожи Бобомуродов бошчилигидаги мадад гуруҳи катта ёрдам берди. Гуруҳ аъзоларининг тарғибот ишлари натижасида пахта теримига чиққан 200-250 нафар аҳоли кўмаги билан кунига 17-18 тоннадан ҳосил топшириб, режани муддатидан олдин бажаришга эришдик.

Меҳнаткашларни ҳар жиҳатдан рағбатлантирган «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви мутасаддилари ва мадад гуруҳи аъзоларининг саъй-ҳаракати билан Шўрчи туманида улкан хирмон бунёд этилмоқда.

Энг муҳими, пахта мавсумида вақтинча ишсиз, аммо меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлиги таъминланяпти.

ЭЪТИРОФ

## Маҳобатли, муҳташам ва мафтункор диёр

**Юртимизга ташриф буюраётган хорижлик сайёҳлар оқими йил сайин ортиб бормоқда. Маҳобатли, муҳташам бинолар, кўркам ва фусункор миноралар, асрлар қаъридан сўзловчи обидалар, осори-атиқалар дунё аҳлини ўзига ром этяпти.**

**Фароғат АВЕЗОВА**
**ёзиб олди.**

Заминимизга қадам ранжида қилаётган меҳмонлар мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни, юртимиз жадал ривожланаётган, гўзал қадриятлар мужассам жаннатмонанд диёр эканини эътироф этишаётир.



**Керстин ШЛИРБАХ,**
***германиялик сайёҳ:***

— Турмуш ўртоғим билан бирга дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганмиз. Ўзбекистонга, унинг тарихи бой, мероси бисёр Хива шаҳрига биринчи бор келишимиз. Касбимиз ўқитувчи бўлгани боис Хивада, аввало, илм-фан соҳаси билан қизиқдик. Ёшларга ҳар томонлама пухта билим бериш учун барча шарт-шароит яратиб берилганига гувоҳ бўлдик.

Хивадаги бир-бирига туташиб кетган ёдгорликлар, осмон билан бўйлашиб турган миноралар, нақшинкор саройларни кўриб-кузатиб, ҳайрат ва ҳавасимиз янада ошди. Айниқса, Хивада Ўзбекистон мустақиллигининг 23 йиллик тантаналарида қатнашиб жуда қувондик. Ўзбек куй-қўшиқлари, уларнинг ижрочилари маҳоратига қойил қолдик. Ҳатто кичкинтойлар ҳам миллий рақсларни жуда ажойиб ижро этаётганини кўриб, санъат юртингиздаги каттаю кичикни эзгуликка, яхшиликка ундашини дилдан ҳис қилдик.

**Бюлент САРПКАЯ,**
***туркиялик сайёҳ:***

— Ичонқалъа бўйлаб кезар эканмиз, самимий, дилкаш инсонлар суҳбатидан баҳраманд бўлдик. Гўё қуёш одамларнинг қалбида порлаб тургандай. Ҳамманинг қўли кўксида. Кексаю ёшнинг чеҳрасида табассум. Бу мустақиллик инъом этган шукроналик ифодасидир.

Ҳа, озод, обод ўзбек юртида, бутун Ўзбекистонда амалга оширилаётган улуғвор ишлар Хивада ўз исботини топиб турибди. Биз бу қадимий гўзал гўшага яна келамиз.

МАҲАЛЛАДА ҲИСОБОТ

# Муаммолар ечими фаоллар эътиборида

**Бухоро вилояти Олот туманида тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бугунги кунда «Merganteks», «Buxoro new tekstil», «Magnat rizq-baraka», «Form inside group» каби саноат корхоналарида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариляпти. Жорий йилнинг биринчи ярмида «Buxoro new tekstil» ва «Form inside group» томонидан 919 минг АҚШ долларига тенг ип-калава маҳсулотлари хорижга экспорт қилинди.**

**Акбар РУСТАМОВ «Mahalla»**

Ҳудудда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ярим йилликда 30 миллиард 204 миллион сўмдан ошди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,2 фоизга кўп. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, транспорт, қурилиш, савдо, умумий овқатланиш, хизматлар кўрсатиш соҳаларида ўсиш қарийб 104-141 фоизни ташкил этди.

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасига асосан яқинда «Жумабозор», «Қирқтай» маҳаллаларида ўтказилган ҳисобот йиғилишида туман ҳокими Шерали Саломов юқоридаги рақамларни келтириб ўтди.

Шунингдек, ҳисоботда туманнинг жорий йил биринчи ярмига оид ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари, таълим, фан, маданият, қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа ишлаб чиқариш тармоқларидаги ўзгаришларга алоҳида тўхтаб ўтилди. Айниқса, ҳокимнинг жорий йилнинг иккинчи ярмида туманда амалга ошириладиган ишлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари маҳаллалар фаолларига манзур бўлди. Хусусан, 2014 йилга мўлжалланган туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига биноан ҳудуддаги 12 километр йўл асфальт қилинади, шунингдек, қатор савдо расталари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларидан таркиб топган «Эски Олот» маҳалла гузари қурилиши якунланади.

— Сув таъминоти долзарб муаммолардан эди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси раиси Бахтиёр Воҳидов. — Ҳоким ҳисоботидан сўнг маҳалла аҳли ушбу саволга ҳам қониқарли жавоб олди. Суғориш тизимини яхшилаш учун 20 миллион 794 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ эвазига секундига 42 куб метр обиҳаётни юқорига кўтариб берадиган янги Олот насос станцияси қурилиш-монтаж ишлари поёнига етказилиб, ҳудудда сув таъминоти янада яхшиланади. Қолаверса, аҳолига тоза ичимлик суви етказиб бериш мақсадида Президентимизнинг «Халқаро Ривожлантириш Уюшмаси иштирокида «Бухоро вилояти Олот ва Қоракўл туманларида ичимлик сув таъминотини яхшилаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида 139 миллион АҚШ доллари қийматидаги маблағ эвазига тумандаги ҳар бир хонадонга ичимлик суви қувурлари тортилмоқда. Ушбу лойиҳа 2017 йилгача ниҳоясига етказилади.

Айтиш жоизки, туман ҳокимининг ҳар чоракда маҳалла фаоллари билан ўтказаётган бу каби ҳисобот йиғилишлари ҳудуддаги муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, баъзи масалалар ечимида жамоатчилик назоратини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Ўтказиладиган ҳар бир ҳисобот йиғилиши баённома тарзида расмийлаштириб борилмоқда, — дейди туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Валишер Жўраев. — Ушбу баённома қарорларининг ҳар бир банди бўйича алоҳида назорат ўрнатилиб, тумандаги мавжуд 44 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи аҳолиси ва вилоят ҳокимлигига унинг ижроси юзасидан ахборотлар жўнатилмоқда. Масалан, коллеж битирувчиларини ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш мақсадида ҳокимликда алоҳида ишчи комиссия тузилиб, битирувчининг мутахассислиги ва меҳнат бозори талаби асосидаги бўш иш ўринлар захираси шакллантирилди. Эндиликда бу ерда битирувчи меҳнат амалиётини ўташи, кейинчалик ишга жойлашиши учун корхона-коллеж-ўқувчи ўртасида шартномалар расмийлаштирилмоқда.

Айтиш жоизки, маҳаллий ҳокимлик органларининг фуқаролар йиғинларига ҳисобот бериши, кўтарилган муаммолар ечимига кўмаклашуви, ўз навбатида, аҳоли олдидаги ижтимоий мавқеи ошишига сабаб бўлмоқда. Бу эса пировардида йиғин фаолларининг ҳудудларда ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, ҳомийларни жалб этган ҳолда кам таъминланган фуқароларга моддий ва маънавий кўмаклашиш, жамоатчилик назоратини кучайтиришда муҳим омил ҳисобланади.

САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

# Фуқаролар йиғинининг сайлов жараёнидаги иштироки

## *ва ваколатлари ҳуқуқий кафолатланган*



Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини демократик тарзда ташкил этишдаги иштироки эркин сайловлар орқали ўзлари муносиб деб билган шахсларни давлат ҳокимияти вакиллик ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаши жараёнида намоён бўлади.

Мамлакатмизда бу борада зарур ташкилий-ҳуқуқий кафолатлар тизими яратилган. Жумладан, Конституциямизнинг 32-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгалиги белгилаб қўйилган.

— Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун фуқаролар йиғинларининг сайловлар жараёнидаги ваколатларини мустаҳкамлади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навоий вилояти бўлими масъул котиби Аҳрор Пирматов. — Қонуннинг 11-моддасида маҳалла фуқаролар йиғинининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўйича участка сайлов комиссияларининг аъзолигига номзодларни тегишли округ сайлов комиссияларига, шунингдек, референдум ўтказиш бўйича участка комиссияларининг аъзолигига номзодларни референдум ўтказиш бўйича тегишли округ комиссияларига тақдим этиши мустаҳкамланди. Бундан ташқари, мазкур орган халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Мазкур қонуннинг 13-моддасида фуқаролар йиғини кенгашининг ваколатлари ифодаланган бўлиб, ушбу кенгаш депутатларга сайловчилар билан учрашувларини уюштиришда, фуқароларни қабул қилишда, ўз сайлов округларида бошқа ваколатларини амалга оширишда кўмаклашади. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг бу каби ваколатлари янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунда ҳам белгиланган бўлиб, унда сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг тартиби кўрсатилган.

Аниқроқ айтганда, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналарни бепул ажратиши, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатиши шарт.

— Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунининг бир қатор моддаларида ҳам фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг сайлов жараёнларидаги иштирокига оид муносабатлар тартибга солинган, — дея суҳбатимизга қўшилади Фонднинг Қизилтепа туман бўлинмаси раиси Шокир Ҳабибов. — Жумладан, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан биттадан кузатувчи қатнашиш ҳуқуқига эга.

Мамлакатимизда жорий этилган сайлов қонунчилигига биноан халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи туман, шаҳар ва округ сайлов комиссияларининг аъзолари, шунингдек, участка сайлов комиссияларининг аъзолари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсиясига биноан тасдиқланиши ҳам маҳалла институтига берилган ваколатларнинг амалдаги ифодасидир. Депутатликка номзодлар кўрсатган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, депутатликка номзодлар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан юқори сайлов комиссиясига ёки судга қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида шикоят билан мурожаат этишлари мумкин.

Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига ҳам эга. Бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раҳбари депутатликка номзодларни рўйхатга олишни илтимос қилиб тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади.

Сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда жойлашган ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ваколатли ҳисобланади. Агар тегишли халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округи ҳудудида фуқароларнинг икки ва ундан ортиқ ўзини ўзи бошқариш органи жойлашган бўлса, депутатликка номзод фуқаролар вакилларининг йиғилишларида кўрсатилади.

Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни депутатликка номзод этиб кўрсатади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эса шахсларни у ёки бу партияга мансублигидан қатъи назар, депутатликка номзод этиб кўрсатиш ваколатига эга. Улар депутатликка номзод этиб фуқаролар орасидан мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида, тегишли вилоят, туман, шаҳар иқтисодиётини ривожлантиришда фаол иштирок этаётган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг, фермерлик ҳаракатининг самарадорлигини оширишга кўмаклашаётган шахсларни кўрсатиши керак.

Бу ҳуқуқий асослар мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва роли тобора ошиб бораётганини кўрсатади. Энг асосийси, бу маҳалла фуқаролар йиғини жамият ва давлатнинг энг асосий таянчларидан бирига айланиб бораётганининг яққол далилидир.

— Фуқаролар йиғинларининг сайлов жараёнларидаги иштироки учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган экан, бунга жавобан биз бу муҳим сиёсий тадбирнинг қонун талаблари даражасида, очиқ-ошкора, демократик тамойиллар асосида ўтишига ҳисса қўшишимиз лозим, — дейди А.Пирматов. — Шу боис айни пайтда бўлим бошқаруви томонидан сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир режа-дастур ишлаб чиқилди. Шунга мувофиқ, маҳаллаларда сиёсий партиялар билан ҳамкорликда аҳолига сайлов қонунчилигини тушунтиришга доир тарғибот тадбирлари ташкил этяпмиз.

Хуллас, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлангани мамлакатимиз тараққиётини янада жадаллаштириш, фуқароларнинг жамият бошқарувидаги фаоллигини кучайтиришга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари сайлов жараёнларида ҳам муносиб иштирок этиши лозимлигидан далолат беради.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

# Орасталик, озодалик одамларнинг одатидир

**Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги серфайз, обод гўшалардан бири «Янги Миробод» маҳалласига борганимизда беихтиёр дилимиздан: «Бу ерда истиқомат қилаётган аҳоли саранжом-саришталикни хуш кўрар экан!», деган ўй кечди. Чаман бўлиб очилган гуллар дилларни яйратади.**



**Гулҳаё ЖЎРАЕВА.**

Дарвоқе, уй-жойи атрофини тоза, озода сақлаб, қўни-қўшниларга ибрат бўлаётган инсонлар туфайли манзилларимиз обод, маҳаллаларимиз кўркам. Бундай юмушларга йиғин қошидаги Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия аъзолари бош-қош. Зеро, ҳудудларнинг санитария ва экология ҳолатини назорат қилиш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришда уларнинг тажрибаси қўл келмоқда.

— Орасталикка жиддий эътибор қаратамиз, — дейди комиссия аъзоси Маҳмуда Ҳакимова. — Шунингдек, болалар ва спорт майдончаларини жиҳозлаш, йўллар, кўчалар, коммунал тармоқларни таъмирлашда фуқаролар йиғини маблағларидан мақсадли фойдаланяпмиз.

Маҳаллада чиқиндилар белгиланган жойларга ташланишини назорат қилиш бўйича ҳафталик навбатчилик жорий этилган.

— Тозалик, саранжом-саришталик бор жойда файз-барака бўлади, — дейди 5-уй бошлиғи Раъно Бердиева. — Шу боис маҳалламизда ҳар бир кўча, ҳар бир уй атрофини обод қилишга барча бирдек фаол қатнашади. Навбатчилик жадвали аҳоли билан келишилган ҳолда тузилган. Дам олиш кунларига мўлжалланган «Озодалик кунлари» анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда.

Йиғин аҳлининг экологик маданиятини юксалтириш, ёшларда табиатга меҳр-муҳаббат ҳиссини тарбиялаш мақсадида турли тадбирлар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Туман табиатни муҳофаза қилиш бўлими, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, профилактика инспекторлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорликда уюштирилаётган тадбирларда ёшлар фаол иштирок этмоқда.

Маҳаллани айланар эканмиз, болалар майдончасига уйғун тарзда бунёд этилган боғчадаги гулу райҳонларнинг ифорини туямиз. Таъмирдан чиқарилган майдончадаги болажонларнинг шодон ўйин-кулгулари, маҳалла аҳлининг бахтиёр гурунги ўзгача тароват касб этган.

Ҳа, янги мирободликларнинг ҳудудлар, кўча ва турар-жойларни обод, кўркам қилишга иштиёқи юқорилиги туфайли маҳалла файзиёб масканга айланган.

ЖОЙ НОМЛАРИ — ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ

# «Култепа» «Офтобмакон»га айланди

**Бой тарихий меросимиз ва миллий анъаналарни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишда қадимий жой номларини қайта тиклаш муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўлаётир.**

**Нигина ШОЕВА «Mahalla»**

Қарорга мувофиқ, номлар географик объектга хос бўлган белгиларни акс эттириши, маҳаллий аҳолининг фикр-мулоҳазалари инобатга олинган ҳолда қоида тариқасида кўпи билан учта сўздан иборат бўлиши белгиланган.

— Туманимизда 10 та қишлоқ, 1 та шаҳарча ҳамда 53 та маҳалла фуқаролар йиғини бор, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Шўрчи тумани бўлинмаси раиси Шерали Сафаров. — Шундан битта қишлоқ, битта шаҳарча фуқаролар йиғини ва олтита маҳалла номи географик объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича тузилган ҳудудий комиссия аъзолари ҳамда фаолларнинг таклифларига биноан ўзгартирилди. Бу номларнинг илмий, тарихий, миллий, топонимик хусусиятлари тўла ўрганиб чиқилди. Шунингдек, маҳаллалар ҳудудидаги ташкилот, корхоналарнинг пешлавҳалари давлат тили талаблари асосида ёзилишига, савдо ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг тўғри номланишига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, илгари Охунбобоев деб юритилган қишлоқ фуқаролар йиғини «Алпомиш», «Элбаён» шаҳарча фуқаролар йиғини эса «Карвон» деб аталди.

Жой номлари тарихимиз кўзгусидир. Шубҳасиз, географик объектларни номлаш ва қайта номлаш борасида атаманинг маъноси, оҳанги, ўша жойга муносиблигига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг шаҳару қишлоқлари ўзининг бой ўтмишига эга. Ҳар бир ҳудуд қадим-қадимдан географик ўрни, аждодларимиз ҳаёти ва тафаккури акс этувчи исмлар билан номланган. Айни пайтда ҳудудларнинг бир хил аталишига барҳам бериш мақсадида уларга такрорланмас, миллийлигимизни ифодалайдиган номлар қўйилмоқда. Авваллари «Далварзин-1», «Далварзин-2» дея аталган маҳалла фуқаролар йиғинлари бугун «Эгарчи», «Кушон» номи билан юритиляпти. «Култепа» маҳалласи ҳозирда «Офтобмакон» номини олди. Ушбу жой номларини ўзгартиришда аҳоли, маҳалла фаоллари ташаббус кўрсатишди.

РАИСНИНГ БИР КУНИ

# Ҳаёт доимий ҳаракатдан иборат

**«Болалар, қаранг, бувижон келяпти!..» Қўнғироқ садосидек янграган бу хабар мактаб ҳовлисида тез-тез жаранглаб туради. Маҳалла раиси Мавжуда аяни Олмалиқ шаҳридаги 10-умумтаълим мактаби ўқувчилари шундай кутиб олишади.**

**Ашурали БОЙМУРОД «Mahalla»**

Раиснинг иш куни мактабдан бошланади, десам хато бўлмайди. Раис мактаб ўқувчиларининг фанларни ўзлаштириши ва давомати билан қизиқади.

Дарҳақиқат, маҳаллада ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилади. Болалар бувижонни ўқув машғулотларида, тўгаракларда, турли спорт мусобақаларида кўришга одатланиб қолишган. Биз маҳаллага ташриф буюрган кун спорт майдончаси футбол, волейбол ишқибозлари билан, таэквондо ҳамда шахмат-шашка тўгараги мухлислари билан гавжум бўлди. «Энг яхши расмлар» кўрик-танловига ҳам гувоҳ бўлдик.

— Маҳалламиз раиси Мавжуда аянинг ташрифи мактабимизга файз олиб киради, — дейди ўқитувчи Холида Азизова. — Бирор-бир йиғин ёки тадбир йўққи, унда ая қатнашмаса. Қайси касб эгалари билан учрашув ўтказилмасин, барчасида ая бош-қош. Раисамиз бир кунда бир бор мактабга келмаса, ниманидир йўқотиб қўйгандек бўлади. Ўқувчилар бежизга аяни «бувижон» дейишмайди.

Маҳаллада яхши бир анъана қарор топган. Олис шаҳарларга ўқишга кетаётганлар, ҳарбий хизматга отланганлар фаоллар иштирокида кузатиб қолинади, уларга оқ фотиҳа берилади.

Ўтган йили касб-ҳунар коллежларини битирган маҳалла ёшларидан 15 нафари Олмалиқ кон-металлургия комбинатига ишга жойлашишди. Битирувчи қизларнинг 5-6 нафари эса қандолатчилик цехида меҳнат қиляпти. Мавжуда ая йўл-йўлакай улар ҳолидан хабар олиб ўтди. Аянинг «Ҳорманглар!» дейиши — катта мадад.

Мавжуда ая вақтини беҳуда ўтказмайди. Уни гоҳ ёшлар ёнида, гоҳ қариялар даврасида, гоҳо беморлар хонадонида, тўю маъракаларда учратиш мумкин. Ая маҳалладошлари ҳолидан хабар олишдан чарчамайди. Шу куни унинг ҳамроҳлигида ибратли, намунали оилалардан бири — Бекназаровлар хонадонига ташриф буюрдик.

Салкам бир асрни қаршилаётган Мукаррам момо бизни кўриб севиниб кетди. «Умрингиздан барака топинг, юртимиз тинч бўлсин!», дея дуо қилди.

— Одамларга яхшилик қилишдан ортиқроқ бахт бўлмаса керак, — дейди биз билан суҳбатда Мавжуда Холмуродова. — Маҳалладошларим ёнида бўлсам доимо ўзимни тетик, бардам ҳис этаман. Айниқса, ёшлар даврасида ўзим ҳам ёшариб кетгандай бўламан.

Дарҳақиқат, Олмалиқ шаҳридаги «Зарбулоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси М. Холмуродова ана шундай тиниб-тинчимас, фидойи инсон. У «Ҳаёт ҳамиша ҳаракатдан иборатдир», деган ақидага қатъий амал қилади.



Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Ўтган йили Мавжуда ая югуриш марафонида фаол қатнашиб, кўпчиликни ҳайратга солди. Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитасининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Мавжуда ая билан маҳаллани айланиб, куннинг кеч бўлиб қолганини ҳам пайқамабмиз. Қирқ йил геология соҳасида фидокорона меҳнат қилган ая эндиликда эл-юрт равнақи йўлида хизмат қилишга бел боғлаган.

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

# Сардор ўз ишида қатъият ва масъулиятни унутмайди

**«Сойбўйи» маҳалла фуқаролар йиғини Фарғона шаҳридаги гавжум ҳудудлардан. Бу ерда кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар фаолият кўрсатаётгани нафақат йиғиннинг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори Абдуқундуз Убайдуллаевни, балки маҳалладаги ҳар бир фуқарони ҳушёрлик, огоҳликка ундайди.**

**Расул КАМОЛ**
**«Mahalla»**

Абдуқундуз Убайдуллаев бир неча йилдан бери ушбу вазифада хизмат қилиб келмоқда. Ўтган вақт мобайнида ҳудудда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, аҳолини тадбиркорлик, бунёдкорлик ишларига жалб қилиш, ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб вояга етказишда йиғин фаоллари билан ҳамжиҳатликда иш олиб бораётир. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуни асосида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг Низоми сардор фаолиятида жуда қўл келяпти.

— Эрта тонгдан маҳалламиз кўчаларини айланаман, йўл-йўлакай маҳалла аҳли билан ҳамсуҳбат бўлиб, улар турмуши билан қизиқаман, — дейди А.Убайдуллаев. — Сўнгра кун давомида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни белгилаб оламиз. Тузилмамиз эпчил, қатъиятли ва масъулиятни чуқур ҳис этадиган йигитлардан ташкил топган. Улар билан зиммамизга юклатилган вазифаларни биргаликда, бамаслаҳат бажарамиз. Маҳалламизда 5 та кўча ҳамда 490 та хонадон бор. Ҳудудимиз катта, аҳоли гавжум. Шу боис нафақат осойишталикни таъминлаш, балки экология ва табиатини муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштиришда фуқаролар фаоллигини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратамиз.

Бундан ташқари, йиғинда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси ҳамда йиғин қошидаги асосий йўналишлари бўйича комиссия аъзолари биргаликда нотинч оилалар, тарбияси оғир ўсмирлар, муқаддам судланганлар билан алоҳида ишлаш тизими йўлга қўйилган. Охирги икки-уч йилда эришилган натижаларга эътибор қаратадиган бўлсак, маҳалладаги нотинч оилалар сони кескин камайиб, оғир жиноят, майда безорилик, айниқса, вояга етмаганлар ва аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг кузатилмаётгани диққатга сазовор.

— «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси бизнинг энг яқин кўмакчимиз, — дейди йиғиннинг профилактика нозири, лейтенант Авазбек Шукуров. — Хусусан, маҳаллага келиб кетувчиларни, паспорт тизимини назорат қилиш, қолаверса, вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича тузилма аъзолари билан биргаликда қатор тадбирларни амалга оширяпмиз. Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, огоҳлик ва сергаклигини ошириш мақсадида диний экстремизм ва терроризм, одам савдоси ҳамда гиёҳвандликка қарши кураш мавзуларида турли тадбирларни уюштиряпмиз.

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, улар бандлигини таъминлаш масаласи доимо посбонлар диққатида. Йиғин ҳудудидаги академик лицейда фаолият юритаётган 10 га яқин тўгаракда 100 нафардан зиёд ўғил-қиз ҳунар ўрганиб, спортнинг турли йўналишларида машғулотлар олиб боришмоқда. Бундан ташқари, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида яқинда фаоллар ташаббуси билан кўп қаватли уйлар олдида тартибсиз ва ноқонуний қурилмалар бузиб ташланиб, кичик футбол майдони, болалар ўйингоҳи қуриш ишлари бошлаб юборилди.

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД МАНЗИЛИ

# «Истиқбол» тажрибаси хорижликлар эътирофида



Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Бундай эътирофга сазовор бўлишимизда, аввало, оилаларда барқарор маънавий муҳитни таъминлашда ўзига хос тажриба тўплаганимиз қўл келди, деб ўйлайман. Фаолларимиз хонадонларда меҳр-оқибатни, тотувликни қарор топтириш, вояга етмаганлар манфаатларини ҳимоялашда жонбозлик кўрсатишмоқда. Улар ҳар бир оила турмуш тарзидан хабардор. Ёш оилаларга маҳалланинг намунали хонадонларидан вакиллар бириктирилгани эса кутилган натижаларга эришишда муҳим омил бўлаётир.

Бизда эҳтиёжманд оилаларга дастлаб моддий ёрдам берилади, сўнгра ишлаб чиқаришни ривожлантириш, оилавий бизнес ва тадбиркорликни йўлга қўйиш учун сармоя сифатида маблағ тақдим этилади. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 3 та ёш оилага ҳомийлар томонидан 300 бош парранда тарқатилди. Ўз вақтида кўрсатилган ёрдам уларнинг оёққа туриб олишида асос бўлди.

Қувонарлиси, жорий йилнинг 6 июнь куни пойтахтимизда ташкил этилган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги ҳалқаро конференция иштирокчилари маҳалламизга ташриф буюрди. Меҳмонлар намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уй-жойлар ва уларда яшаётган оилалар ҳаёти билан яқиндан танишди. Турмуш тарзимизни ўрганган хорижлик сайёҳлар ёш оилаларга яратиб берилган шароит, уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, меҳр-мурувватдан ҳайратда эканликларини яширишмади.

Маҳалламиз қулай инфратузилмага эга. Ҳудудимиздаги «Наврўз» мактабгача таълим муассасаси, 40-умумтаълим ва 29-сонли мусиқа мактаби, Паркент тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ёшларимизнинг маънан етук, жисмонан соғлом бўлиб вояга етишида замин яратаётир. Йиғинимиздаги сунъий қопламали футбол, баскетбол ва спорт майдончалари, «Ибой ота» спорт мажмуаси эса маҳалла ёшларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказишига қўл келмоқда. Фарзандларимизнинг қизиқишини ҳисобга олиб, қурилаётган ёпиқ сузиш ҳавзаси ҳам тез кунларда фойдаланишга топширилади.

«Истиқбол»да оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар кўпчиликни ташкил этади. Айни пайтда ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Азия Керамик строй» қўшма корхонаси, пахтани қайта ишлаш ва макарон цехлари, хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳолини иш билан таъминлаган. Жорий йил охиригача гузаримизда 1500 ўринли тўйхона қуриб битказилади.

Шунингдек, йиғинимизда кўп тармоқли поликлиника, стоматология ҳамда умумий овқатланиш шохобчаси қурилиши якунига етмоқда. Буларнинг барчаси шаҳарларга бўйлашаётган маҳалламиз аҳли турмушини янада обод қилиши шубҳасиз.

Мухтасар айтганда, оилалар мустаҳкамлигини сақлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

ЕТТИ ХАЗИНА

# Бир оилага етадиган даромади бор

**Асал қадимдан халқимизда нодир ва фойдали маҳсулот сифатида қадрланади. Айниқса, замонавий тиббиётда у — минг дардга даво неъмат, мавсумий касалликлар, хусусан, шамоллашнинг олдини олиш ва даволашда кенг қўлланилади.**

**И. РАҲМАТОВ**
**«Mahalla»**



Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳар куни нонуштада асал истеъмол қилган инсонга умуман касаллик йўламас экан. Тадбиркорликда асаларичилик етти хазинанинг бири, кони фойда маҳсулотдир.

Наманган туманидаги Хонобод қишлоғида бу иш билан шуғулланадиганлар кўпчилик. Хусусан, «Янгийўл», «Курмак», «Хонобод», «Маллаҳовуз» каби маҳаллалардаги деярли ҳар икки-уч хонадоннинг бири, албатта, асаларичилик билан шуғулланади.

— Бу тармоқ оилавий бизнесга айланиб, каттаю кичикни ишли қилаётир, одамларнинг тўкин ва фаровон яшашига омил бўлаётир, — дейди «Янгийўл» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шамсиддин Каримов. — Бугун ҳудудимизда минг уядан ортиқ асалариси бор тажрибали тадбиркордан тортиб, ўн-ўн бешта уя билан эндигина иш бошлаётган ёшларгача бор. Қувонарлиси, бу соҳа ўнлаб хонадонларда оилавий тадбиркорликнинг асосига айланган.

«Янгийўл»даги Холмирзаевлар хонадони асаларичилик орқасидан обрў топганлардан, десак муболаға бўлмайди. Уч оға-ини — Лутфиддин, Фазлиддин ва Сайфиддин ушбу тармоқнинг йирик тадбиркорлари. Улар нафақат ўз қариндош-уруғларига, балки қўни-қўшни, таниш-биродарларининг фарзандларига ҳам асалари боқишнинг сир-асрорини қунт билан ўргатиб, ўнлаб шогирд етиштирдилар.

— Бир куни маҳалламиздаги боғда асалчи Лутфиддин аканинг мен чўчийдиган ариларни писанд қилмай, уяларини очганини кўриб, қизиқдим, — дейди ёш асаларичи Акрамжон Ҳайдаров. — Шогирдликка олишларини илтимос қилдим. Ёнларида юриб 10 та уя билан асаларичилик тармоғини йўлга қўйдим. Ҳозир оила аъзоларимиз билан бирга йилига 1,5 тонна атрофида асал етиштиряпмиз. Даромадимиз ҳисобига тўй-ҳашамлар ўтказяпмиз, замонавий уй-жойлар қуряпмиз. Яқинда «Damas» русумли машина сотиб олдим. Айтмоқчиманки, асаларичилик бир оиланинг тўкис яшашига пухта замин бўларкан.

Таъкидлаш жоизки, Хонобод асаллари бугун турли ишлаб чиқариш корхоналари белгиси остида истеъмолчиларга етказилмоқда. Улардан бири «Шифобахш баҳор асали» масъулияти чекланган жамиятидир. Замонавий услубда, чиройли қадоқланган маҳсулот харидоргирлиги билан ажралиб туради.

Асалари боқиш осон эмас. Ўта нозик бу мавжудотни парваришлашда уқувнинг ўзигина етарли бўлмайди. Бунинг учун инсондан, аввало, пок ният, озодалик, саришталик баробарида тинимсиз меҳнат ва сабр ҳам талаб этилади. Қолаверса, ҳар кунги қатъий тартибдаги парвариш оиладаги барчани иш билан таъминлайди. Демак, мамлакатимизда оилавий тадбиркорлик ривожига етарлича шароит яратилган бугунги кунда етти хазинанинг бири бўлган асаларичиликни янада оммалаштириш мақсадга мувофиқ.

ҚУЛАЙЛИК

# Маҳсулотлар учун музлаткич

**Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги «Қатортерак» маҳалласи ҳудудида музлаткичли омбор ишга туширилди.**

**Зебинисо ҲАЙИТОВА**
**«Mahalla»**

40 тонна мева-сабзавотни сақлаш имконияти бўлган омбор қишлоқ аҳли учун талай қулайликлар туғдирди.

— Ҳудудимиз аҳолисининг аксарияти деҳқончилик билан шуғулланади, — дейди тадбиркор Шербек Қаршиев. — Шу боис етиштирилган маҳсулотларни сифатли асраш, уларни аҳоли дастурхонига бекаму кўст етказиш мақсадида йиғин фаолларининг маслаҳати ва кўмагида шу омборни барпо қилдик. Ҳар мавсумда шартнома асосида ишчиларни ишга қабул қиляпмиз.

Айни пайтда тадбиркор фермер хўжаликлари ва деҳқонлар билан ҳосилни сақлаш бўйича шартномалар тузилмоқда.



ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ — ЭЪТИБОРДА

# Моддий ёрдам тадбиркорликка турткидир

< [1]

Масалан, 2013 йилда бўлинмага 100 та ёзма мурожаат келиб тушган. Шундан 76 таси моддий ёрдам, 20 таси соғлиқни тиклаш тўғрисида, 4 таси эса турли масалаларга доир. Ушбу мурожаатлар жойида ўрганилиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қаноатлантирилди. Бундан ташқари, 8 та оғзаки мурожаат ҳам тегишли тартибда ўз ечимини топди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бўлинма томонидан 80 та ёзма ва 12 та оғзаки ариза қабул қилинди. Уларнинг аксарияти фуқароларнинг соғлиғини тиклаш, оилавий шароитини яхшилаш, уй-жойларни таъмирлаш ҳамда моддий ёрдамга доир бўлиб, белгиланган муддатларда ижобий ҳал этилди. Хусусан, моддий ёрдам бўйича мурожаатлар атрофлича ўрганилиб, уларга 12 миллион сўмдан зиёд сармоя ажратилди. 36 та кам таъминланган хонадонга оилавий шароитини яхшилаш, 4 нафар фуқарога эса уй-жойларини таъмирлаш учун моддий ёрдам кўрсатилди.




— Фуқаролардан тушаётган аризаларни вақтида кўриб чиқиш, уларда баён этилган масалаларни белгиланган муддатда ҳал этишга алоҳида эътибор қаратяпмиз, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Пахтаобод тумани бўлинмаси раисининг ўринбосари Ибратжон Юсупов. — Чунки ҳар бир аризада бир инсоннинг умиди, ишончи зикр этилган. Шу боис фуқаролар мурожаатлари билан боғлиқ муаммолар бевосита жойларнинг ўзида ҳал этилаётгани туфайли такрор арз этиш ҳоллари учрагани йўқ.

Мониторинг натижаларига кўра, Пахтаобод туманининг чегара ҳудудларидаги «Маърифат», «Сой» ҳамда «Қўрғонча» маҳаллаларидан тушаётган мурожаатлар сони сезиларли камайиб, мазмуни ҳам ўзгаряпти. Яъни бундан 3-4 йил илгари моддий ёрдам масаласида мурожаат қилган кишилар кўпчиликни ташкил этган бўлса, кейинги пайтдаги мурожаатларда айрим фуқаролар йиғинлари томонидан йўл қўйилган камчиликлар, коммунал тўловлардаги тушунмовчиликлар доирасидаги мавзулар устувор. Бу эса, аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалиб, моддий имкониятлари яхшиланиб бораётганидан далолатдир.

СОЛИҚ

# Имтиёзлар имкониятни кенгайтиради

**Мамлакатимизда йилдан-йилга солиқ юки камайтирилиб, тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига аралашувларни кескин қисқартиришга эришилмоқда. Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган мазкур соҳадаги ислоҳотлар ишбилармонлар учун кенг имкониятлар яратиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг барқарор ривожланишида муҳим омил бўлаётир.**

**Ўктам АҲМЕДОВ,**
**Тошкент шаҳар Миробод тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи.**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига асосан якка тартибдаги тадбиркорлар, фаолият турларидан келиб чиқиб, қатъий белгиланган солиқ тўловчилари ҳисобланади. Улар томонидан жорий йил учун тўланадиган солиқ ставкалари давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорида белгилаб берилган.

Мазкур солиқ ставкалари фаолият турига қараб ойлик энг кам иш ҳақига нисбатан каррали миқдорда белгиланган. Агар, якка тартибдаги тадбиркор фаолиятнинг бир неча тури билан шуғулланса, фаолиятнинг ҳар бир тури учун мазкур турдаги фаолиятга нисбатан қатъий белгиланган солиқ ставкалар бўйича алоҳида-алоҳида солиқ тўлайди.

Мазкур солиқ ставкалари йил бошига — 2014 йил 1 январига белгиланган энг кам иш ҳақидан (96105 сўм) келиб чиқиб аниқланади ва унинг миқдори йил давомида ўзгарганда қайта кўриб чиқилмайди.

Дарвоқе, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклида фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган, оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш кўрадиган ва якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзосигина қатъий белгиланган солиқ тўловчиси саналади. У Солиқ кодексига кўра, ойига энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда, оиланинг бошқа аъзолари эса энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадалларини тўлаши белгиланган. Оила аъзоларининг суғурта бадалларини тўлаш мажбурияти ҳам айнан ушбу оила аъзосининг зиммасига юклатилади.

Таъкидлаш жоизки, Юртбошимизнинг 2010 йил 30 мартдаги «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонига асосан, «Ҳунарманд» уюшмаси аъзолари бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилади.

Ушбу солиқ имтиёзининг амал қилиш муддати давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 26 декабрдаги фармонига асосан 2017 йилнинг 1 январигача узайтирилди ва уста-ҳунармандлар фаолиятида янада кенг имкониятларни яратди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2012 йил 10 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2012-2016 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорига биноан 2012 йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб қишлоқ жойлардаги маҳаллалар ҳудудида маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар (сартарошлар, тикувчилар, пойабзал, маиший техника таъмирлаш бўйича усталар ва бошқалар) 3 йил муддатга, қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жой қурилиши асосида барпо этилаётган массивларда корхона хизматларини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар эса 5 йил муддатга қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилди. Бу эса тадбиркорликда энди фаолият бошлаган ёшлар учун қулай имтиёз ва имкониятдир.

Айни пайтда Тошкент шаҳрининг Миробод туманида 684 нафардан зиёд якка тартибдаги тадбиркор фаолият юритмокда. Шулардан 49 нафари «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси бўлиб, улар қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилган.

ОЛОВ — ТИЛСИЗ ЁВ

# Ёнғиндан етган зарар хатарлидир

**Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида муҳим палла — пахта йиғим-терими мавсуми бошланди. Деҳқонларимизнинг заҳматли меҳнати эвазига етиштирилган мўл ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масъулиятталаб вазифалар сирасига киради.**

**Улуғбек ВАФОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси катта муҳандиси, майор.**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан бу борада зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

Пахта терими мавсуми олдидан соҳа ходимлари ёнғинни келтириб чиқарадиган сабабларни бартараф этиш мақсадида пахта тозалаш корхоналари ҳамда уларга қарашли пахта қабул қилиш масканларининг ёнғинга қарши ҳолатини мониторинг тариқасида тўла ўрганиб чиқишди. Аниқланган айрим ҳолатларни бартараф этиш юзасидан корхона раҳбарларига тегишли кўрсатмалар, ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан амалий кўмак берилди.

Таъкидлаш жоизки, 2014 йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб, пахта қабул қилиш пунктларига вақтида ташиб етказишда нафақат корхона мутасаддилари, балки деҳқон-фермер ҳамда ишчи хизматчилар ҳам ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиши зарур. Қолаверса, мазкур жараёнга масъул ва махсус йўриқномадан ўтган кишилар йиғим-терим ва пахтани қабул қилиш, қайта ишлаш жойларидаги вазиятни мунтазам назоратга олишлари талаб этилади. Чунки ўтган йилги пахта йиғим-терими мавсуми мобайнида пахта хомашёсини ёнғинлардан асрашда айрим камчиликларга йўл қўйилган эди. Ўшанда Давлат ёнғин назорати ходимлари томонидан республика бўйича 7 мингдан зиёд камчилик аниқланиб, уларнинг 20 фоизи бажарилмай қолиб кетганди. Вилоятлар миқёсида таҳлил этадиган бўлсак, ҳосилни ёнғиндан асраш бўйича мутасаддилар томонидан вақтида зарур чора-тадбирлар кўришга бефарқ қаралгани, ёнғинга сабаб бўладиган ҳолатларни бартараф этишга совуққонлик билан ёндашилгани аниқланганди.

Пахта толаси енгил алангаланади, узоқ вақт тутаб ёнади. Ушбу хомашё ёниш ва туташ жараёнида ўзидан заҳарли ҳид чиқариши билан ҳам хатарлидир. Пахта сақланаётган жойлардаги намлик, сиғимлар зичлиги, шамол ва бошқа воситаларга беэътиборлик оқибатида ёнғин келиб чиқиши ва аланга тез тарқалиши мумкин. Ўтган йилларда содир бўлган турли даражадаги нохуш вазиятларнинг асосий қисми электр қуввати билан ишлайдиган тармоқлар, техник мослама ва воситаларнинг нособлиги, электр сим ўтказгичларининг қоидада кўрсатилган меъёрлардан кўп ўрнатилгани оқибатида юзага келган. Бу кўнгилсизликлар халқ хўжалигига жиддий зарар етказган эди. Жойларда олиб борилаётган профилактик тадбирларда ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан керакли тавсиялар берилмоқда. Шунингдек, ёнғинларга сабаб бўлувчи омилларнинг юзага келишига йўл қўйган ва масъулиятсизлик қилган кишилар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилаётир.

Пахтани қабул қилиш ва қайта тайёрлаш масканларида ҳамда теримчиларнинг вақтинчалик яшаш жойларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини кенг тарғиб қилиш мақсадида эслатма, плакат ва қўлланмалар тарқатилгани яхши самара бермоқда.

«ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН — СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИМИЗ»

# Барчамиз эпчил, чаққон ва кучлилармиз



< [1]

Ўйинларда спортнинг бир нечта туридан хабардор 30-45 ёшгача бўлган ота ва оналар, уларнинг 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган икки нафар фарзандидан иборат жамоалар қатнашди. Мусобақадан кўзланган мақсад оилаларда жисмонан бақувват, мустаҳкам иродали авлодни вояга етказиш, мактаб, маҳалла ва оила ҳамкорлигини янада ривожлантиришдан иборат. Шунингдек, бундай тадбирлар орқали жисмоний тарбия ва спортнинг оилалар кундалик турмуш тарзидан ўрин олишига эришиш кўзда тутилган. Эътиборли томони, бу мусобақага уй шароитида ҳам тайёрланиш мумкин. Демак, баҳс иштирокчиларда турли ўйинлар ва жисмоний машқлар кўникмасини ҳосил қилишга ёрдам беради.

Мусобақа шартлари оддий, оммабоп ўйинлар, спорт машқларидан иборат. Биринчи шарт «Тўсиқлардан ошиш эстафетаси» деб номланиб, унда жамоа аъзолари эни 1,5 метр, узунлиги 10 метр бўлган йўлакдан баскетбол коптогини ерга уриб, манзилга етиб боргач, уни айланиб, сўнгра «уй»га тезлик билан қайтишлари лозим. Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Андижон вилояти жамоалари биринчилардан бўлиб бу шартни бажаришга киришди. Бирин-кетин иштирокчилар майдонга чиқиб, ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Низомга кўра, жамоалар «Ким чаққон ва мерган», «Моҳир ҳужумчи», «Арқон тортиш», «Ким эпчил ўйини», «Ким чаққон эстафетаси» ҳамда «Шахмат ва шашка» шартлари бўйича беллашишди.

«Арқон тортиш» энг қизиқарли шартлардан бири бўлди. Жамоалар ўз томонига арқонни куч билан тортиб, унинг белгиланган қисмини ўтказиб олиши керак. Чизиқдан ўтган мағлуб жамоалар майдонни тарк этади. Қашқадарё, Тошкент ҳамда Хоразм вилояти жамоалари ўртасидаги баҳслар 2-3 дақиқа давом этгани спорт ишқибозларининг олқишига сабаб бўлди.

Мусобақада туман, вилоят ҳудудий босқичларида ғолиб бўлган кучли жамоалар иштирок этаётгани баҳсларнинг қизғин ва муросасиз кечишини таъминлади. Мусобақа якунида ҳар бир шарт бўйича жамоалар томонидан тўпланган баллар ҳисобланиб, ғолиблар эълон қилинди. Ўзининг тиришқоқлиги, чапдаст ва тезкорлиги, бирдамлиги билан ажралиб турган жамоалар турли номинациялар бўйича тақдирланди. Майдонга бирин-кетин «Энг ёш жамоа», «Энг аҳил жамоа», «Жамоанинг ғалабага бўлган ишончи», «Энг яхши, сермазмун, ижодкор жамоа», «Энг тезкор жамоа», «Энг эпчил жамоа», «Энг фаол жамоа», «Энг ибратли жамоа» каби номинациялар бўйича ғолиб оилалар ўртага чиқиб келишди. Улар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Натижаларга кўра, биринчи ўринни Пискент тумани «Майлобод» маҳалласидан Бахтиёр Абдуллаев оиласи, иккинчи ўринни Хива тумани «Гулланбоғ» маҳалласидан Ғайрат Мадаминов оиласи, учинчи ўринни эса Китоб тумани «Бештерак» маҳалласидан Абдурасул Раҳмонов оиласи қўлга киритди.

Ғолиб жамоалар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» фондининг диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланишди.

Тадбирда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов иштирок этди.

ТАНЛОВ

# Йиғинлар тарихи ёшлар талқинида

**Хўжайли туманидаги фуқаролар йиғинлари ўртасида «Маҳаллам тарихини ўрганаман» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.**

**О. ЕСБЕРГЕНОВ**
**«Mahalla»**

Йиғинлар тарихини ўрганиш, ёшлар онгида миллий анъаналарга ҳурмат-эътиборни шакллантириш, мустақиллигимиз аҳамиятини тушунтира билишда фаол ўқувчиларни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган кўрик-танловда 5 та маҳалла жамоаси беллашди.

«Маҳалламиз тарихидан» мавзусидаги чиқишларда жамоалар ўз маҳалласи тарихи, аҳоли турмуш тарзи ва удум-анъаналарини саҳна кўринишлари орқали очиб беришди.

Қизғин баҳслар якунига кўра, 2-сонли маҳалла жамоаси 1-ўринни эгаллаб, Қорақалпоғистон Республикаси босқичига йўлланмани қўлга киритди. 2- ва 3-ўринларга эса 5-сонли ҳамда 17-сонли маҳалла жамоалари муносиб топилди. Ғолиблар Фонд ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви Фонднинг Жиззах вилояти бўлими бошқаруви раиси Абдумажид Сатторовга волидаи муҳтарамаси
**Боғзод она**нинг
вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах вилояти бўлими бошқаруви Фонд бўлимининг собиқ раиси
**Муқум ҲАСАНОВ**нинг
вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

«ОТА-ОНАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ»

# Тарбияга салбий таъсир кўрсатувчи иллатлар барҳам топган

**Маҳалламизда иқтидорли ёшлар талайгина. Бу, шубҳасиз, давлатимизнинг келажак авлодга қаратилган эътибори самараси, мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг натижаларидир.**




Н. ҲАЙДАРОВ олган сурат.

*СУРАТДА: «Энг намунали ота-оналар университети» танловининг Юнусобод туман босқичи ғолиби — «Ҳасанбой» маҳалласи жамоаси.*

**Нодира УМАРОВА, Тошкент вилояти Ангрен шаҳри «Чотқол» маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги «Ота-оналар университети» раҳбари.**

Аҳолининг ярмини ташкил этган ўғил-қизларимиз пухта билим олиш, касб-ҳунар эгаллаш, спортнинг бирор тури бўйича маҳоратини оширишга интилиб улғайишмоқда. Уларнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етишида нафақат фаоллар, балки маҳалламиздаги барча жонкуяр инсонлар бирдек қайғуради. Навниҳол ёшлар таълим-тарбиясига берилаётган эътибор самараси кўп куттирмай намоён бўлаётир.

Биргина мисол. Ўсаровлар хонадонининг тўрттала фарзанди бугун улкан ютуқларга эришди. Жумладан, Мафтунахон Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлди, университетда таҳсил олаётган Барнохон намунали хулқи ва «аъло» баҳоларга ўқиши туфайли Навоий стипендиясига лойиқ топилди. Фазлиддин таэквондо бўйича, жажжи Аслиддин шахмат мусобақаларида бир неча бор Ўзбекистон биринчилигини қўлга киритди. Уларнинг муваффақияти, шубҳасиз, бутун «Чотқол» маҳаллосиники. Қувонарлиси, бундай оилалар, спортда зафар қучаётган ёшларнинг рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Бир неча йилдирки, маҳалламиз қошидаги «Ота-оналар университети»га раҳбарлик қилиб келяпман. Қисқа фурсатда яхши натижаларга замин ҳозирлаган мазкур жамоатчилик масканининг маҳалла негизида ташкил этилиб, таъсирчан кучга эга бўлганига ўзим гувоҳман. Биз, аввало, ҳар бир оилага кириб бориб, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшлар ва аёлларни оммавий спортга жалб этиш режаларини ишлаб чиқдик.

Университет ишчи гуруҳи таркиби маҳалланинг фаол, кайвони, бой ҳаётий тажрибага эга инсонларидан, психолог, шифокор ва бошқа соҳа мутахассисларидан ташкил топгани фаолиятимизда қўл келмоқда. Улар, асосан, ота-оналарнинг ёш авлодни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини оширишда кўмаклашаётир. Бундан ташқари, ёш келин-куёвлар, оила қуриш бўсағасида турган ёшлар ва ўсмирлар учун турли тадбирлар, давра суҳбатлари уюштирилмоқда. Маҳалламиздаги педагоглар ҳар бир ишда бизга астойдил кўмаклашиб, тарғибот самарадорлигига ҳисса қўшишмоқда.

Бугун «Чотқол»имиз тинч ва осуда гўшага айланган. Бу ерда нотинч оилалар, фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи иллатлар барҳам топган. Хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида жиноятчилик, гиёҳвандлик билан боғлиқ ҳолатлар буткул барҳам топган.

Бу, албатта, ҳамжиҳатлик, елкадошлик, эътибор самараси. Эндиликда бундай ишларни давом эттирибгина қолмай, ҳар бир оилада маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш, фаолиятимизни янада такомиллаштириш устида ишламоқдамиз.

МАҲАЛЛАМИЗ ЧЕМПИОНЛАРИ

# Юрт шаъни — юксак шараф, улкан масъулият

< [1]

Кўзланган натижалар эса кўп куттирмади: 2012 йили Мўғулистонда ўтган Осиё чемпионатида 1-ўринни олган Илҳом жорий йилнинг май ойида Таиланднинг Бангкок шаҳрида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида барча рақибларини енгиб, II ўсмирлар Олимпиадасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Натижада Илҳом Баҳромов Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпиада ўйинларида ўз йўналишида барча рақиблари устидан ғалаба қозониб, жамоамиз ҳисобини олтин медаль билан бойитди.

— Олимпиада ўйинларида мамлакат шаънини ҳимоя қилиш — улкан шараф ва масъулият, — дейди ёш спортчи. — Ғалаба қозониш эса ана шу шарафга муносиб бўлишдир. Муваффақиятимиз истиқлол байрами тантаналарида Президентимиз томонидан эътироф этилгани ғайратимизга ғайрат, кучимизга куч қўшади. Бундан кейин ҳам энг нуфузли халқаро мусобақаларда фақат ғалаба учун майдонга тушаман.



ЎзА сурати.

Ҳа, чемпионимизнинг орзулари улкан. У олимпия ўйинларида олтин медални қўлга киритиш билан бирга, энг яхши мураббий ва халқаро тоифадаги ҳакам бўлишга интилаётир.

# Дунё бўйлаб

## Ҳарбий вертолёт қулади

**Мисрнинг Эль-Файюм музофотида ҳарбий вертолёт қулаган.**



Ҳодиса машқ жараёнида содир бўлган. Авиаҳалокат оқибатида олти нафар киши ҳаётдан кўз юмган, бахтли тасодиф туфайли бир киши тирик қолган.

«Associated Press»нинг маҳаллий телевидение маълумотларига таяниб хабар беришича, фожиага сабаб вертолётдаги техник носозлик бўлиши мумкин. Ҳодиса юзасидан текширув ишлари олиб борилмоқда.

Якшанба куни Қоҳирадаги мамлакат ташқи ишлар вазирлиги биноси ёнида кучли портлаш содир этилган, бунинг оқибатида икки нафар тинч аҳоли вакили, бир нафар полиция ходими ҳамда аскар ҳалок бўлганди.

## Халқаро ташкилот ташвиши

**АҚШ болалар ўлими бўйича Шимолий Америка ва Ғарбий Европа мамлакатлари ўртасида биринчи ўринни эгаллайди.**



«Associated Press»нинг БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) маълумотларига таяниб хабар беришича, фақат 2012 йилнинг ўзида мамлакатда уч минг нафардан зиёд болалар ўлими қайд этилган. 2012 йилда дунё бўйича камида 95 минг нафар бола зўравонликлар қурбони бўлган. Уларнинг энг кўпи — 13 минг нафари Нигерияда қайд этилган. Бразилияда эса 11 минг нафар норасида ҳаётдан бевақт кўз юмган.

Шунингдек, Ҳиндистон, Конго Демократик Республикаси, Мексика, Эфиопия, Покистон, Колумбия ва Венесуэла бу борадаги қора рўйхатдан ўрин олган.

## Меъёр ва ҳушёрлик унутилганда

**Британияда сўнгги 16 йилда алкоголь ичимликлари ичиб машина бошқарган аёллар сони 9 фоиздан 17 фоизга ошган.**



Мамлакат суғурта компаниялари ва олимлар ҳамкорлигидаги изланишлар натижасига кўра, уларнинг асосий қисми ўрта ва кекса ёшдаги аёллардир.

Нью-Кастл, Лестер, Брайтон ва Престон шаҳарларида ўтказилган ижтимоий сўровларда 430 нафар аёл ва 45 нафар эркак иштирок этган. Уларнинг барчаси спиртли ичимликлар ичиб машина бошқариши аниқланган.

Мамлакатда алкоголь маҳсулотлари истеъмол қилиб машина бошқаришга рухсат этилади. Фақат унинг қондаги миқдори 0,8 промиллдан ошмаслиги керак. Бироқ меъёрни унутаётганлар сони тобора ортмоқда.

**Интернет материаллари асосида Н. АСЛОН тайёрлади.**

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

# Одоб инсон кўрки, ярашиғидир

**Мукаррам аянинг ўғли хотинига ишламайсан деса, аразлаб ота-онасиникига кетиб қолибди. Кимдир: «Ёшгина келинга ишлашни ким қўйибди, қайнона-қайнотанинг хизматини қилиши керак-да» деса, бошқа биров: «Олий маълумотли экан, шунча йил ўқигандан кейин ишлаши керак», деб келинни оқлашга тушди.**

**Элёр БОЙМИРЗАЕВ.**

Элнинг оғзига элак тутиб бўлармиди, бу гап яшин тезлигида бутун маҳаллага ёйилди. Орага маҳалланинг Яраштириш комиссияси тушди. Келин ва куёвни, уларнинг яқинларини чорлаб муросага чақиришди: «Эшитган қулоққа яхшимас. Келинликнинг масъулияти, вазифалари бор. Ишлаш қочмайди. Ҳамма нарса вақти-соати билан бўлади. Удумларимизга, одатларимизга амал қилиш — бурчингиз. Турмуш ўртоғингиз, қайнона-қайнота билан ҳисоблашиш, маслаҳатлашиш керак. Арзимаган баҳона билан уйдан кетиб қолаверсангиз, турмуш татийдими», деб келинга насиҳат қилишди. «Келинни ҳадеб тергайверманг, ётиғи билан кўнглига ботмайдиган қилиб тушунтирсангиз — бўлади-ку!», дея куёвни койишди. Хуллас, келишмовчилик бартараф этилиб, келин маҳалла идорасидан тўғри куёвнинг уйига йўл олди...

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида пойтахтимизнинг Юнусобод тумани «Тинчлик» маҳалла фуқаролар йиғинига оилавий келишмовчиликлар юзасидан 14 та ариза тушган бўлса, Яраштириш комиссияси аъзолари томонидан барчаси муҳокама қилиниб, 13 та оила муросага келтирилди. Битта ариза бўйича иш олиб борилмоқда.

— Яраштириш комиссияси томонидан оилавий ажримларнинг олдини олиш юзасидан самарали ишлар амалга оширилмоқда, — дейди йиғин раиси Ҳабибулла Носиров. — Комиссия аъзолари хушмуомала, ҳар икки тарафга холис муносабатда бўлиши шарт. Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида оила, никоҳ муқаддаслигини тарғиб қилиш, уларни оилавий ҳаётга пухта тайёрлашга қаратилган тарғибот ишлари олиб бориляпти.

Яраштириш комиссияси аъзолари, аввало, оилалардаги ижтимоий вазиятни тўғри баҳолай олиши лозим. Оилавий низоларни муроса йўли билан ҳал этиш, қўни-қўшнилар ўртасида меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлаш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш, тўй-маросимларни дабдабасиз ўтказиш, диний ақидапарастлик таъсирига тушиб қолиш эҳтимоли бор вояга етмаганлар билан ишлашдек долзарб вазифалар комиссия низомида кўрсатилган.

— Турмуш ҳар доим бир текис давом этавермайди, унинг пасту баланди бор, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Замира Ҳамидова. — Ҳаётнинг аччиқ-чучугига, қийинчиликларига елкама-елка туриб бардош бериш эру хотиннинг бурчи. Ҳамма ҳам адашади, хатога йўл қўяди. Лекин барча гап хатони ўз вақтида англаб, уни тузатишда, такрорламасликда.

Ҳа, кишининг бахти оиласи тинчлиги, фаровонлиги ва тотувлигига боғлиқ. Шарқона одоб, тозалик ва осойишта ҳаёт маҳалланинг, элнинг кўрки, ярашиғи, албатта.

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: С.Турдали ўғли
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Ю.Хожиева
Нашр навбатчиси: Н.Ҳайдаров

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Нашр кўрсаткичи: 148 20180 нусхада чоп этилди. Буюртма S-954 Топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00